Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 138 (21. 005) 1991 йил 19 июль, жума ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

2-бет: ● «Ўзбекистон ССР да чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни. Қонун бугундан бошлаб кучга киради.

3-бет: ● Тилга эътибор—элга эътибор. Тилшунос олим ўзбек атамашунослигининг муаммолари ҳақида фикр юритади.

4-бет: ● Юрагида ўти, қалбида қўри бор, меҳнатсевар кишилар сафи кенгаяверсин!

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

18 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг тўртинчи пленуми бўлди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Ш. М. Иўлдошев Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси этиб сайланганлиги муносабати билан пленум унинг Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси Раёсатининг аъзоси ва комиссия раиси вазифасидан озод этиш тўғрисидаги илтимосини қондирди.

Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаб турган С. Мамарасулев Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг аъзоси, Раёсат аъзоси ва комиссия раиси қилиб сайланди.

Пленум Марказий назорат комиссияси Раёсатининг «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари бўлган КПСС аъзолари Ўзбекистон Компартияси Уставининг халқ депутатлари Советларидаги коммунистларнинг иши тўғрисидаги талабларини қандай таъминлаётганликлари ҳақида»ги маърузасини муҳокама қилди. Марказий назорат комиссияси раёсатининг аъзоси М. М. Мирқосимов шу ҳақда маъруза қилди. Музокараларда Ўзбекистон ССР Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари О. К. Адаманов, Самарқанд область партия комитетининг иккинчи котиби В. А. Плотников, Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш вазири М. С. Тошпўлатов, Бухоро вилоят партия ташкилоти назорат комиссиясининг раиси О. Холматов, Қашқадарё вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Л. Лихин, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Ёшлар ишлари комитетининг раиси А. А. Аъзамхўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Транспорт, йўл қурилиши, алоқа ва информатика комитетининг раиси, Олий Кенгаш комитетлари ва комиссиялари бошланғич партия ташкилотининг котиби Ғ. З. Заҳриддинов қатнашдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул этилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов нутқ сўзлади.

Хорижда

М. С. ГОРБАЧЕВ ЛОНДОНДА

ЛОНДОН, 18 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Президенти Михаил Горбачевнинг Лондонга ташрифи давом этмоқда. Бугун у Италия Бош вазири Ж. Андреотти ва Канада Бош вазири Б. Малрони билан учрашади.

Бугуннинг ўзида Совет Президентининг Буюк Британияга расмий ташрифи бошланади. М. Горбачев Даунинг-Стритдаги 10-уйда — Британия ҳукумати бошлиғининг расмий боргоҳида Буюк Британия Бош вазири Ж. Мейжор билан музокара олиб боради, Букингем саройида Буюк Британия қироличаси Елизаветта II ҳузурига ташриф буюради.

●

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛОНДОН. (ТАСС махсус мухбирлари). АҚШ Президенти Жорж Буш навбатдаги Совет-Америка олий даражадаги учрашувини Москвада ўтказиш тўғрисидаги аҳдлашувни чоршанба куни «Америка—Совет муносабатларини мустаҳкамлашнинг ёрқин рамзи» деб атади.

Ж. Буш СССР Президенти билан олиб борилган музокараларнинг ва етти мамлакат раҳбарлари Лондон кенгашининг якунлари юзасидан журналистлар билан учрашувда сўзга чиқди. Президент Москва учрашуви шу йил 30-31 июлда бўлишини ва унда «масалаларнинг бешта мажмуи»: икки томонлама ва маҳаллий муаммолар, инсон ҳуқуқлари ва қурол-яроғларни назорат қилиш, шунингдек мамлакатлараро муаммолар, шу жумладан терроризмга ва наркотик моддалар тарқатилишига қарши курашда ҳамкорлик қилиш муаммолари муҳокама қилинади. «Мен бу учрашувни ҳамда етти мамлакат раҳбарларининг кенгаши давомида бўлиб ўтган самарали учрашувларни ва, сўнгра, Горбачев билан учрашувни давом эттириш учун менга бериладиган имкониятларни орзиқиб кутяпман»,— деди Ж. Буш.

●

КЕНГАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

ЛОНДОН, 18 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). Ривожланган етти мамлакат раҳбарларининг Лондондаги кенгаши қатнашчилари кеча анъанавий иқтисодий декларация қабул қилдилар. Унда иқтисодий масалалардан ташқари жаҳонда, биринчи навбатда СССРда ва Шарқий Европа мамлакатларида кечаётган сиёсий жараёнлар ҳам акс этган.

Совет Иттифоқида сиёсий ва иқтисодий ўзгартишларни кўзловчи тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз, дейилади ҳужжатда ва СССРнинг жаҳон иқтисодиётига қўшилишда унга ёрдам беришга тайёрмиз. Ўзгартишлар учун омил яратиш ҳамда совет халқининг катта табиий ва инсоний ресурсларини сафарбар этишига имкон бериш учун бозор иқтисодиётини ривожлантириш зарур. Декларацияда мамлакатимиздаги республикалар ва марказнинг келишиб ҳаракат қилиши зарурлиги таъкидланади. Биз ўзгартишлар сиёсатини ва унинг амалга оширилишини, шунингдек ана шу жараённи рағбатлантириш йўлларини муҳокама қилиш учун Президент Горбачевни таклиф этдик, дейишди етти мамлакат раҳбарлари кенгаши қатнашчилари. Биз ана шу ўзгартишлар амалга оширилаётган умумий сиёсий вазиятни, жумладан СССРнинг халқаро сиёсатидаги янги тафаккурни тушунамиз, дейилади сўнгра ҳужжатда. Биз ресурсларни ҳарбий соҳадан гражданлик соҳасига кўчиришнинг муҳимлигини ҳам тушунамиз. Етти мамлакат раҳбарлари совет иқтисодиётининг аҳволи ёмонлашганидан ташвишланаётганликларини таъкидлайдилар, чунки бу ҳол фақат СССР учун эмас, шу билан бирга Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари учун ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқаради.

Декларацияда Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг бозор иқтисодиёти йўлидаги жиддий тўсқинликларга қарамай шу йўлдан бораётганлиги табрикланади. Бу минтақада сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг оммалаштирилишини биз маъқуллаймиз, дейилади ҳужжатда. Учрашув қатнашчилари шу мамлакатлар билан тағин ҳам мустаҳкамроқ алоқа ўрнатиш ва уларни халқаро иқтисодий тизимга қўшиш мақсадида улар амалга ошираётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш мажбуриятларини тасдиқладилар.

Ҳужжат муаллифлари жаҳондаги иқтисодий вазиятга баҳо бериб, ўтган йилги шундай учрашувдан кейин ўтган вақт ичида бир қанча мамлакатлар иқтисодиётида ўсиш кўзга ташланаётганлигини, бошқа мамлакатларда эса иқтисодий ривожланиш секинлашганлиги ва ҳатто таназзулга учраганлигини қайд этдилар.

Етти мамлакат раҳбарлари савдо музокараларининг «Уругвай давраси» муваффақиятли тугалланиши зарурлигини жуда муҳим аҳамиятга молик вазифа, деб ҳисоблайдилар. Бу жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришга ҳамда ривожланаётган мамлакатларни жаҳон иқтисодиётига қўшишга, шунингдек Марказий ва Шарқий Европа давлатларини кўп томонлама савдо тизимига қўшишга ёрдам беради. Ҳужжат муаллифларининг фикрича, музокараларнинг бу даврасини шу йилнинг охиригача тугаллаш зарур.

• Иқтисодиёт янгиликлари

ҲИММАТ

● ҒУЗОР

Шаҳардаги қариялар чойхонаси қурилиши тугалланай деб қолди. Мутахассисларнинг маълумот беришича, чойхона қурилишига жами 100 минг сўм ишлатилади. Шунча маблағни «Шўртангаз» ишлаб чиқариш бошқармаси қариялар ҳурмати учун инъом этди.

Бухоро «Газпромстой» трестининг Унгбой Ўринов бошлиқ қурувчилар бригадаси чойхона қурилишини жадал олиб бормоқда. Қурилиш ишлари асосан тугалланди. Монтажлаш ишлари жадал бормоқда. Яқин кунлар ичида бу ерда кексаларнинг гурунглари бошлаб юборилади. Бунга қурувчилардан Файз Товашов, Жалол Бозоров, Нормамат Худоёров, кранчи Фарид Мамин каби сергайрат ишчиларнинг меҳнати шоҳидлик бериб турибди.

Қурувчиларнинг меҳнати рағбатлантириб борилмоқда. Ҳар бир ишчи ўртача 350—400 сўмдан кам маош олаётгани йўқ. Тушлик бепул ташкил қилинган.

Б. ҲАСАНОВ.

ЎСМИРЛАР КИЙИМЛАРИ

● НАМАНГАН

Савдо дўконларида янги газламадан тайёрланган ўсмирлар кийимларини харидорлар чаққон сотиб олишмоқда. Газлама шу ернинг ўзида — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасида тўқиб чиқарилган.

Плашчбоп ана шу газламадан Норин тикув-трикотаж фабрикаси яна бир янги маҳсулот — курткалар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Бир-икки ой аввал фабрика чеварлари қизчаларга аталган ажойиб либослар тайёрлашни йўлга қўйган эдилар. Энди эса улар ўсмирларбоп курткалар тайёрлай бошладилар. Фабрика директори Абдуллажон Йўлчиевнинг таъкидлашича, янги маҳсулот тайёрлашни ўрганиб олишда Рига, Ереван, Боку ва Киевдаги ҳамкасблар билан ҳамкорлик яхши натижалар бермоқда. Жиззах ва Самарқанд тикувчиларининг тажрибаси ҳам маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш ва буюмлар сифатини яхшилашда дуруст самара беряпти.

Норинликлар тайёрлаб чиқараётган курткалар енгил ва хушбичимлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Бундай маҳсулотни дастлаб Мавжуда Муродова, Шарофат Каримова ва Гулчеҳра Тожибоевалар тикишди. Энди эса шу уч тикувчининг ўз тажриба мактаби вужудга келди. Булардан 86 нафар тикувчи қизлар куртка тикишни қисқа вақтда ўрганиб олишди.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

ТЎҒРИДАН ТЎҒРИ ШАРТНОМА

Қўлни беринг, жаҳондаги шериклар

Бухоро ип-газлама бирлашмаси меҳнат жамоаси хорижий мамлакатлардаги фирмалар билан 26 миллион чет эл валюта сўми ҳисобида маҳсулот бериш тўғрисида тўғридан-тўғри шартнома имзолашди. Бундай тадбир бухороликлар учун таниш.

1988 йили Покистоннинг «Меркурий» фирмаси билан ўзаро ҳамкорлик ҳадномасига эришилган эди. Жумҳуриятимиз корхонасида тайёрланаётган хом сурп хориж фирмаси вакилларини қизиқтириб қолди. Пул ишлаб топган корхона кейинчалик чет эл жиҳозларини сотиб ола бошлади.

Корхона цехларини қайта жиҳозлаш белгиланган режада олиб борилаётир. Голландиянинг «Сторк» ва Ҳиндистонининг «Стовек» фирмаларидан зарур линиялар сотиб олинди.

Бозор иқтисодиёти шароитида Бухоро ип-газлама бирлашмаси ишчи-хизматчилари олдида муаммолар ҳам йўқ эмас. Халқаро миқёсга чиқиш учун янада кўпроқ замонавий машиналарни харид қилиб олиш зарур. Қўшма корхоналар тузиш йўлга қўйилиши керак. Ҳозир Японияниг «Чори» фирмаси вакиллари билан музокаралар олиб бориляпти.

ЎзТАГ суратқаш мухбири В. Миленький олган лавҳаларда корхонадаги меҳнат дақиқалари акс эттирилган: 1. Оператор Нигора Рўзиева. У тайёрлаган маҳсулот доимо сифатли, харидоргир. 2. Элмурод Султонов янги машиналар билан бемалол «тилпалаш»моқда. 3. Швейцариянинг «Бенингер» фирмаси вакиллари янги линияни монтаж этишаётир. Александр Пицик, Шамиль Сафин, Байер Лутс [Швейцария] ва Борис Левитий бу ишда бир-бирларига ҳамкору мададкор.



АРЗОН НАРХДА ҒАЛЛА

Қарши районидаги К. Маркс номли давлат хўжалигида меҳнаткашларга яна бир ғамхўрлик кўрсатилди. Давлат хўжалиги маркази Қовчин қишлоғида икки ойда ҳашар йўли билан тегирмон қурилиб, ишга туширилди. У суткасига 6 тонна буғдойдан ун тайёрлаб бериш қувватига эга. Ҳар йили совхоз томонидан ишчиларга 35—40 тонналаб ғалла арзон нархда берилади. Ана шу ғаллани тегирмонда тортиш муаммо эди. Энди катта қулайлик яратилди.

Тегирмон электр қуввати билан ишлайди. Унинг лойиҳасини тайёрлашга хўжаликнинг бош муҳандиси Н. Аҳмедов бош қўшди. Ташландиқ темир-терсаклардан тегирмон ускуналарини тайёрлаб, созлашди. Аҳолидан тўпланган 2,5 минг сўмга Самарқанддан тегирмон тоши сотиб олиб келинди. Шундай қилиб, ўн мингдан знёд аҳолиси бор Қовчин қишлоғида тегирмон ишга туширилди. Эл эътиборига асосан кексалар қўл очиб, оқ фотиҳа бердилар. Дастурхон тузалиб, янги ҳосилдан тортилган ундан ёпилган иссиққина бўрсилдоқ нонлар ушатилди.

— Бу тегирмонни ўйлаб чиқарганнинг отасига минг раҳмат, — деди қишлоқ оқсоқоли Я. Омонов. — Иқтисодий танглик даврида ҳўп ажойиб иш бўлди-да. Тегирмон бизда илгари ҳам бўлган. Лекин эътиборсизлик туфайли узоқ вақт ишлатилмай қолиб, тошлари йўқолиб кетганди. Энди ҳар йили совхоз маъмурияти ҳаммага ғалла улашмоқда. Бир килограмм буғдой 26 тийин. Ахир, бу ғамхўрликка нима етсин!

— Э, нимасини айтасиз, Яхшибобо, — деди хўжалик фахрийлари кенгаши раиси Ш. Қўзиев. — Тегирмоннинг ишга тушиши ҳўп яхши иш бўлди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш воситаларидан бири шу.

— Энди нон таъминоти бир қадар ҳал этилди, — деди бизга давлат хўжалиги директори С. Хўжақулов. — Бу йил 614 гектар ердан ғалладан мўл ҳосил етиштирдик. Ҳар гектар ердан 20 центнердан буғдой ўриб-йиғиб олиняпти. Б. Худдиев, А. Ғойипов, Ҳ. Ғойипов каби илғор комбайнчилар ўрим-йиғимда алоҳида жонбозлик кўрсатишяпти. Ҳозиргача хирмонга тўкилган дон салмоғи минг тоннадан ошиб кетди.

Яқинда жумҳурият Президенти Фармонига биноан 220 кишига 45 тонна буғдой арзон нархда берилди. Бундан ташқари Бешкент шаҳрида яшаётган фахрийлар ҳам назардан четда қолмади. Уларга ҳам 8 тонна буғдой улашилди. Аҳолига 40 бош қорамол, 37 бош қўй-эчки ва 4335 та парранда сотилди, 402 тонна беда, 218 тонна сомон тарқатилди.

Бугунги кунда одамларнинг кайфияти чоғ. Айниқса, тажрибали тегирмончи, бу ишда ёшликдан суяги қотган, эндиликда пенсионер Режаб Бердиевнинг қувончи чексиз, Ахир, унинг кўп йиллик орзуси ушалди-да!

— Хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан анча бақувват, — дея суҳбатга қўшилди бош иқтисодчи Ғ. Сандов, — Ҳадемай, пахта заводи қурилишини ҳам бошлаймиз. Ҳисобимизда уч миллион сўм маблағ бор. Унинг икки миллионини ўн фоиз тўлов бериш шарти билан Бешкент банкига ўтказганмиз. Ҳозир ишчиларга бир маҳал бепул иссиқ овқат ташкил этдик. Бу йўлдаги ишни давом эттирамиз.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Кўзи тўқнинг—ўзи тўқ*

УЮШМА УСТАВИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

18 июль куни Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигида «Эл» халқаро уюшмасининг устави рўйхатга олинди.

Ўзбекистон ССР адлия вазири М.-Б. М. Маликов ана шу уюшма раиси А. Мақсудийга жамоат бирлашмасининг устави рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномани топширди.

Бу уюшма шу йили ташкил этилган бўлиб, ўз низомига мувофиқ мустақил иш юритади. Унинг асосий мақсади ҳозирда турли мамлакатларда яшаётган ватандошлар орасида тижорат, маданий-маърифий ишларни олиб бориш, уларни Ватандаги ва хориждаги ўзбекларнинг ҳаёти, тарихий тили ва адабиёти, маданияти, урф-одати, миллий санъати билан мунтазам таништириб боришдан иборат.

(ЎзТАГ).

ЯНГИЛИКЛАР, ШАРҲЛАР, ВОҚЕАЛАР

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон ССР ҳудудида чет эл инвестицияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини ҳамда тартибини белгилаб беради. Қонун чет эл капиталига кафолатларни таъминлаб беради, Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришга, республика иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий системасига қўшилишига кўмаклашиш мақсадида чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, хорижнинг замонавий технологияси ва бошқарув соҳасидаги тажрибасини жалб этишга ва улардан самарали фойдаланишга қаратилгандир.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Чет эллик инвесторлар**

Ўзбекистон ССРда:

хорижий давлатлар;

ажнабий юридик шахслар;

халқаро ташкилотлар;

ажнабий фуқаролар, фуқароларнинг уюшмалари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

чет элда доимий яшайдиган совет фуқаролари чет эллик инвесторлар бўлишлари мумкин.

2-модда. **Чет эл инвестициялари**

Чет эл инвестициялари деганда тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига чет эллик инвесторлар қўшадиган барча турдаги мулкий, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади.

Бундай бойликлар:

пул маблағлари, аниқ мақсадли банк омонатлари, улушлар, акциялар, суғурта полислари ва бошқа қимматбаҳо қоғозлардан;

кўчар ва кўчмас мол-мулкдан (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий бойликлардан);

муаллифлик ҳуқуқларидан келиб чиқадиган мулкий ва мулкка оид бўлмаган ҳуқуқлар ва бошқа интеллектуал бойликлардан;

Ўзбекистон ССРнинг, унинг юридик шахслари ва фуқароларининг эгалигидаги ердан, мол-мулкдан ҳамда табиий бойликлардан фойдаланишга чет эллик инвесторлар сотиб олган ижара ҳуқуқидан;

ўзга бойликлардан иборат бўлиши мумкин.

3-модда. **Чет эл инвестицияларини амалга ошириш шакллари**

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон ССР ҳудудида:

Ўзбекистон ССР ва ССР Иттифоқининг юридик шахслари ҳамда фуқаролари билан биргаликда барпо этилган корхоналар ва ташкилотларда улуш қўшиб қатнашиш;

бутунлай чет эллик инвесторларга қарашли бўлган корхоналар, банклар, суғурта компаниялари ва бошқа ташкилотларни барпо қилиш;

мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш;

мустақил равишда ёки Ўзбекистон ССР ва ССР Иттифоқи юридик шахслари ва фуқаролари иштирокида мулкий ҳуқуқларни, шу жумладан ердан ва табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш йўли билан инвестицияларни амалга оширишлари мумкин.

4-модда. **Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда чет эллик инвесторларнинг улушбай иштирокидаги (қўшма корхоналар) ва бутунлай чет эллик инвесторларга қарашли корхоналар (чет эл корхоналари) тушунилади. Бундай корхоналар Ўзбекистон ССР қонунларига зид келмайдиган ҳар қандай шаклларда амал қилади.

5-модда. **Чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими**

Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланадилар. Чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими Ўзбекистон ССР қонунларида кўзда тутилган истиснолардан ташқари республика корхоналари, ташкилотлари ва фуқаролари учун белгиланган тегишли режимга қараганда ноқулай бўлиши мумкин эмас.

Иқтисодиётнинг нуфузли тармоқларида чет эл инвестициялари учун Ўзбекистон ССР қонунлари билан қўшимча имтиёзлар белгиланиши мумкин.

6-модда. **Фаолият турлари**

Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон ССР қонунлари билан тақиқланмаган ва бундай корхоналарнинг уставларида назарда тутилган мақсадларга жавоб берадиган фаолиятнинг ҳар қандай турини амалга оширишлари мумкин.

Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон ССР қонунларида рўйхати белгилаб қўйиладиган айрим фаолият турлари билан махсус рухсатнома асосидагина шуғулланишлари мумкин.

7-модда. **Чет эл инвестициялари учун ҳудудий чеклашлар**

Ўзбекистон ССР қонунларида чет эллик инвесторларнинг ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти тақиқланадиган ҳудудлар белгилаб қўйилиши мумкин.

II БЎЛИМ. ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

8-модда. **Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари**

1. Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ чет эллик инвестор амалга ошириладиган инвестицияларнинг ҳажмини, турини, йўналишини мустақил белгилайди ҳамда инвестицияларни амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларни ўз хоҳишига кўра жалб этади.

2. Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон ССР ҳудудида инвестицияни амалга ошириш учун кредитлар, Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган тартибда қимматбаҳо қоғозлар ва заёмлар чиқариш тарзида молиявий маблағларни жалб этишлари мумкин.

3. Чет эллик инвестор инвестиция объектлари ва натижаларига, шу жумладан Ўзбекистон ССР ҳудудида ҳамда унинг ташқарисида такрорий инвестициялар ҳамда савдо операциялари натижаларига Ўзбекистон ССР қонунларига ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ эгалик қилишга, улардан фойдаланишга ва уларни тасарруф қилишга ҳақлидир.

Чет эллик инвесторнинг қарорига биноан инвестицияларга, уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳуқуқи Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Ўқтириб ўтилган ҳуқуқларни ўтказиш вақтида томонларнинг ўзаро муносабатлари шартномалар асосида тартибга солинади.

4. Чет эллик инвестор ўзи учун зарур бўлган мол-мулкни совет ҳамда чет эл юридик ва жисмоний шахсларидан бевосита ёки воситачилар кўмагида томонларнинг келишувига кўра белгиланадиган нархлар ва шартларда сотиб олиши мумкин, башарти бу Ўзбекистон ССР қонунларига зид бўлмаса.

9-модда. **Чет эллик инвесторларнинг мажбуриятлари**

Чет эллик инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга ошириш чоғида:

Ўзбекистон ССР ҳудудида амалда бўлган қонунларга риоя этишлари;

Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ солиқлар тўлашлари, валюта ажратмалари ва ўзга тўловларни амалга оширишлари;

инвестиция лойиҳаларида санитария-гигиена, экология ва Ўзбекистон ССР қонунларидан келиб чиқадиган ўзга талабларга риоя этилганлиги хусусида экспертиза хулосасини олишлари шарт.

III БЎЛИМ. ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

10-модда. **Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари**

Ўзбекистон ССР республика ҳудудида инвестиция фаолияти амалга оширилаётганда чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳамма томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳимоя қилинишига кафолат беради.

Ўзбекистон ССРнинг кейин қабул қилинган қонунлари инвестициялаш шароитларини ёмонлаштирган тақдирда чет эл инвестицияларига нисбатан ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддат давомида инвестицияни рўёбга чиқариш пайтида амал қилиб турган қонунлар қўлланилади. Бу қоида Ўзбекистон ССРнинг миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини таъминлашга; солиқ солишга; атроф-муҳитни, аҳолининг ахлоқини ва саломатлигини муҳофаза қилишга доир қонунлари ўзгаришига тааллуқли эмас.

Ўзбекистон ССРнинг давлат идоралари чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини бузувчи норматив ҳужжатлар қабул қилган тақдирда, уларга келтирилган зарар ана шу идоралар томонидан Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ суд тартибида тўланади.

Давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари чет эллик инвесторларнинг фаолиятига аралашишга ҳақли эмас, Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ бундай аралашишга рухсат этиладиган ҳамда бундай аралашиш ушбу идоралар ва мансабдор шахсларнинг ваколат доирасида амалга ошириладиган ҳоллар бундан мустаснодир.

11-модда. **Национализация ва реквизиция қилинишдан кафолат**

Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари национализация қилинмайди.

Чет эл инвестициялари реквизиция қилинмаслиги керак, табиий офат, аварияслар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар бундан мустасно. Реквизиция қилиш ҳақидаги қарорни ва товон тўлаш тартибини Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қабул қилади.

12-модда. **Фойдани ва чет эл валютасидаги пулни ўтказиш кафолатлари**

Чет эллик инвесторларга уларнинг фаолияти натижасида олган фойдаси ва чет эл валютасидаги пули чет элга ўтказилиши кафолатланади.

13-модда. **Фойдани тасарруф этиш кафолатлари**

Чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон ССРда сўмларда олган фойдаси республика ҳудудида такрор инвестиция қилиниши ёки Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ улардан бошқача тарзда фойдаланилиши мумкин. Чет эллик инвесторлар сўм ҳисобидаги маблағларни чет элга ўтказиш ҳуқуқисиз республиканинг вакил қилинган банкларида сўм билан юритиладиган ҳисоб рақамларига ҳеч қандай чеклашсиз эга бўлишлари мумкин.

Чет эллик инвесторлар ўз ҳисоб рақамларидаги сўмлардан валюта олди-сотдисининг рухсат этилган шакллари доирасида қарор топадиган курслар бўйича чет эл валютаси харид қилиб олишда фойдаланишлари мумкин.

IV БЎЛИМ. ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ИШТИРОКИДА КОРХОНАЛАР БАРПО ЭТИШ

14-модда. **Қўшма корхона барпо этиш**

Қўшма корхоналар янги юридик шахс ташкил этиш йўли билан ёки чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон ССРда амал қилиб турган корхонада улуш сотиб олиши йўли билан тузилади.

Жамоат ташкилотлари ва уларнинг корхоналари қўшма корхоналарда Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган тартибда ва ўз Уставларига мувофиқ иштирок этадилар.

Акцияли жамиятлар, жавобгарлиги чекланган жамиятлар, кооперативлар ва давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари таркибига кирмайдиган бошқа ташкилотлар қўшма корхоналар барпо этишда қатнашиш тўғрисида мустақил қарор қабул қиладилар.

Қўшма корхона барпо этиш тўғрисидаги қарорни бевосита совет ва ажнабий иштирокчилар қабул қиладилар.

Ўзбекистон ССР ҳудудида қўшма корхона барпо этиш ёҳуд асосий фондлари 100 миллион сўмдан зиёд бўлган совет корхоналарининг акциялари ёки пайларини чет эллик инвесторга сотиш йўли билан мавжуд совет корхонасини қўшма корхонага айлантириш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг розилиги билан совет қатнашчиси томонидан қабул қилинади.

15-модда. **Қўшма корхонанинг устав фондига улуш қўшиш**

Қўшма корхонанинг устав фондига ҳар бир қатнашчининг улуш қўшиш муддатлари, ҳажмлари, бу улушни қўшиш ва баҳолаш тартиби таъсис ҳужжатларида назарда тутилади. Қўшма корхонанинг қатнашчилари томонидан корхона устав фондига улуш сифатида қўшиладиган молмулкнинг қиймати жаҳон бозори нархларида, бундай нархлар бўлмаган тақдирда эса — қатнашчилар ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади.

Қўшма корхонанинг қатнашчилари ушбу корхонанинг таъсис ҳужжатларида белгиланган муддатларда корхона устав фондига улуш тўлиқ ўтказилишини таъминлашлари керак.

Қўшма корхона рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач ҳар бир қатнашчи томонидан таъсис ҳужжатларида кўрсатилган улушнинг 50 фоизи устав фондига ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлмаса, ушбу қўшма корхонани рўйхатга олган идора корхонани рўйхатга олинмаган деб топади ва уни қўшма корхоналарнинг реестридан чиқаради. Қўшма корхона реестрдан чиқарилганлиги тўғрисидаги ахборот матбуотда эълон қилинади.

16-модда. **Чет эл корхонасини барпо этиш**

Чет эл корхонаси бир ёки бир неча чет эллик инвесторлар томонидан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг рўйхати билан ва у белгилаган тартибда барпо этилиши мумкин.

17-модда. **Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон ССР Молия вазирлигида рўйхатга олиниши лозим ва у рўйхатга олинган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Бундай корхоналарни рўйхатга олиш тартиби Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

V БЎЛИМ. ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

18-модда. **Филиаллар ва ваколатхоналар**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон ССР қонунларида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни тузиш учун белгиланган шартларга риоя этган ҳолда Ўзбекистон ССР ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, шунингдек юридик шахс бўлмаган филиаллар, ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар очиши мумкин. Ўзбекистон ССРдан ташқарида чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг филиаллари, ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалари Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан очилиши мумкин.

19-модда. **Корхоналарнинг бирлашмалари**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ ихтиёрий асосларда Ўзбекистон ССР ҳудудида уюшмалар, концернлар, консорциумлар ва бошқа бирлашмалар тузишлари мумкин.

20-модда. **Валюта билан ўз харажатларини ўзи қоплаш**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг чет эл валютасидаги барча харажатлари уларнинг ўз валюта тушумлари ҳисобидан, шунингдек чет эл валютасини олишнинг Ўзбекистон ССР қонунларида рухсат этилган бошқа манбалари ҳисобидан таъминланиши керак. Уларнинг валюта билан ўз харажатларини ўзи қоплаши ташкил этилаётган бирлашмалар, консорциумлар ва бошқа ташкилий структуралар доирасида ҳам таъминланиши мумкин.

21-модда. **Маҳсулотни экспорт ва импорт қилиш**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилишга ва ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулот импорт қилишга ҳақлидир. Ўзи ишлаб чиқарган, экспортга етказиб бериладиган ҳамда ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган маҳсулотларни аниқлаш тартиби Ўзбекистон ССР ҳудудида амал қиладиган қонунлар билан белгиланади.

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қилишдан олинган валюта тушумлари белгиланган солиқлар ва ажратмалар тўланганидан кейин тўлиқ корхонанинг тасарруфида қолади.

22-модда. **Бож олиш**

Инвесторнинг қўшадиган ҳиссаси сифатида Ўзбекистон ССРга олиб келинадиган мол-мулк божхона пошлиналари тўлашдан озод қилинади ва унга импорт солиғи солинмайди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг ажнабий ходимлари Ўзбекистон ССРга ўз эҳтиёжлари учун олиб кирадиган мол-мулк божхона пошлиналари тўлашдан озод қилинади.

23-модда. **Суғурта**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг мол-мулкини ва таваккал ҳаракатини суғурта қилиш унинг хоҳишига қараб амалга оширилади.

24-модда. **Солиқ солиш**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, шунингдек чет эллик инвесторлар Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ солиқлар ва бошқа тўловлар тўлайдилар. Ўзбекистон ССРнинг солиқларга доир қонунларида назарда тутилган имтиёзлардан ташқари республика ҳудудида уларга Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси солиқ соҳасида қўшимча имтиёзлар бериши мумкин.

25-модда. **Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар фаолиятини текшириш**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон ССРнинг амалдаги қонунлари талабларига риоя этишини назорат қилиш бўйича махсус вазифаларни бажарувчи солиқ ва бошқа давлат идоралари ўз ваколатлари доирасида текширадилар.

Корхоналар мазкур идораларга назорат қилиш учун ўз фаолиятлари тўғрисида зарур ахборот берадилар. Назорат қилувчи идора тижорат сири сақланишини таъминлаши шарт. Тижорат сирини ошкор қилиш қонун билан таъқиб этилади.

Солиқ солиш мақсадида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Ўзбекистон ССР давлат солиқ инспекцияси бундай текширишни ўтказиш учун вакил қилган аудитор ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

26-модда. **Ҳисобга олиш ва ҳисобот**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон ССРнинг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда ҳисоб ва ҳисоботни олиб боради.

27-модда. **Мажбуриятларнинг таъминланиши**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ўзига қарашли мол-мулкдан ўзининг барча турдаги мажбуриятларини, шу жумладан қарз маблағларини жалб этишни таъминловчи сифатида фойдаланиши мумкин. Унинг биноларга, иншоотларга, асбоб-ускуналарга нисбатан мулкий ҳуқуқлари, шунингдек бошқа мулкий ҳуқуқлари ўз мажбуриятларини таъминловчи сифатида амал қилиши мумкин, ерга ва бошқа табиат ресурсларига эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқи бундан мустасно.

28-модда. **Интеллектуал мулк**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар корхона ҳужжатлари билан тасдиқланган топшириқларга мувофиқ яратилаётган интеллектуал мулк объектлари хусусида ўз ходимлари билан шартномалар тузади.

Чет эл корхоналари ўзларига қарашли ихтиролар ва саноат намуналарига СССРда ва чет элда патент олиш ҳақида мустақил, қўшма корхоналар эса — Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган тартибда қарор қабул қиладилар.

29-модда. **Меҳнат муносабатлари**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонада ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлари, шу жумладан ишга ёллаш ва ишдан бўшатиш, меҳнат ва дам олиш режими, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, кафолатлар ва товонлар жамоа шартномаси (битими) ва (ёки) якка тартибдаги меҳнат шартномалари (контрактлари) билан тартибга солинади.

Жамоа ва (ёки) якка тартибдаги меҳнат шартномаларида кўзда тутилган шартлар ушбу корхона ходимларининг аҳволини Ўзбекистон ССР қонунларида назарда тутилган шартларга қараганда ёмонлаштириши мумкин эмас.

30-модда. **Ажнабий ходимларни жалб этиш**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари, маъмурияти, назорат кенгаши аъзолари таркибига ажнабий фуқаролар кириши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг ажнабий ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга, уларга отпускалар беришга, уларнинг пенсия таъминотига доир масалалар ҳар бир ходим билан якка тартибда тузилган меҳнат шартномаларида (битимларида) ҳал этилиши лозим. Бу ходимлар чет эл валютасида оладиган иш ҳақларини чет давлатларга ўтказишлари мумкин.

31-модда. **Ижтимоий суғурта ва таъминот**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ходимларини ижтимоий суғурта қилиш ва уларнинг ижтимоий таъминоти (ажнабий ходимларнинг пенсия таъминотидан ташқари) Ўзбекистон ССР қонунлари билан тартибга солинади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ажнабий ходимларнинг пенсия таъминоти учун ана шу ходимлар доимий истиқомат қилувчи мамлакатнинг тегишли фондларига валютада тўловлар ўтказади.

Корхона совет ва ажнабий ходимларнинг давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ажратмаларни ҳамда совет ходимларининг пенсия таъминотига ажратмаларни Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ ўтказади.

32-модда. **Қўшма корхонанинг фондлари**

Қўшма корхоналарда уларнинг фаолияти, жамоани ижтимоий ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун заҳира фонди ва бошқа фондлар яратилади. Заҳира фонди устав фондининг 25 фоизигача миқдорда тузилади. Заҳира фонди ҳар йили ҳам совет, ҳам чет эл валютасида пул ажратиш ҳисобига ташкил этилади. Заҳира фондига йиллик ажратмаларнинг миқдори ва валютанинг тури қўшма корхона томонидан мустақил белгиланади.

Бошқа фондларнинг рўйхати, уларни тузиш ва харажат қилиш тартиби қўшма корхона томонидан мустақил тарзда белгиланади.

33-модда. **Қайта ташкил этиш ва тугатиш**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона мустақил равишда ёки Ўзбекистон ССР қонунларида назарда тутилган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона тугатилган тақдирда бюджетга, банклар ва бошқа кредиторларга қарзлар тўланганидан кейин Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ корхона ходимлари билан ҳисоб-китоб қилинади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона тўпланган активларга корхона тугатилган вақтда уларнинг реал қиймати бўйича солиқ солиниши керак.

Мол-мулкнинг қолган қисми, агар таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб кўзда тутилган бўлмаса, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг қатнашчилари ўртасида корхона мол-мулкидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

34-модда. **Қўшма корхонадан чиқилган тақдирда мол-мулкнинг тақсимланиши**

Чет эллик инвестор қўшма корхонадан чиққан ёки бу корхона тугатилган тақдирда корхона мол-мулкидаги ўз улушини қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда улуш ўз мажбуриятларини бажаргандан кейин корхонадан чиқиш вақтидаги ёки корхона тугатилган вақтдаги қолдиқ қиймат бўйича пул ёки товар шаклида олиниши мумкин. Бунда совет қатнашчисига қўшма корхонадан чиқаётган ажнабий қатнашчининг улушини сотиб олиш ҳуқуқи берилади.

VI БЎЛИМ. ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТОРЛАРНИНГ ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИ

35-модда. **Давлат қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш**

Чет эллик инвестор давлат қимматбаҳо қоғозларини Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги белгилайдиган тартибда сотиб олади.

36- модда. **Совет корхоналарининг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш**

Чет эллик инвесторлар совет юридик шахсларининг акциялари ва бошқа қимматбаҳо қоғозларини чет эл ва совет валютасига сотиб олишга ҳақлидирлар. Совет юридик шахсларининг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш тартиби ва шартлари ССР Иттифоқи ҳамда Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланади.

VII БЎЛИМ. ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТОРЛАРНИНГ ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИНИ ВА БОШҚА МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ОЛИШИ

37-модда. **Ердан фойдаланиш ҳуқуқини олиш**

Чет эллик инвесторларга ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга фойдаланиш учун Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ ер берилиши, шу жумладан у ижарага берилиши мумкин.

Бинолар ва иншоотларга эгалик қилиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган вақтда шу объектлар билан бирга ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланадиган тартибда ва шартлар билан бошқа шахсга ўтади.

38-модда. **Ижара**

Чет эллик инвесторларга мол-мулкни ижарага бериш ижарага берувчи томонидан шартномалар асосида ҳамда Ўзбекистон ССРнинг ижара ва ижара муносабатлари тўғрисидаги қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

Қиймати 10 миллион сўмдан ортиқ бўлган умумреспублика мулкини ижарага бериш ана шу мулкни идора этишга вакил қилинган давлат идорасининг рухсати билан амалга оширилади.

39-модда. **Концессия шартлари**

Чет эллик инвесторларга тикланадиган ва тиклаб бўлмайдиган табиат ресурсларини қидириш, олиш ва улардан фойдаланиш ҳамда бошқа хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун концессия бериш чет эллик инвесторлар Ўзбекистон ССР давлат бошқарувининг ваколатли идоралари билан Ўзбекистон ССР қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузадиган концессия шартномалари асосида амалга оширилади.

Башарти, шартномада бошқача ҳол қайд этилган бўлмаса, концессия шартномаси талабларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

VIII БЎЛИМ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

40-модда. **Низоларни қараб чиқиш тартиби**

Чет эллик инвесторлар билан Ўзбекистон ССРнинг давлат идоралари ўртасидаги низолар, агар Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон ССР судларида кўрилиши керак.

Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг Ўзбекистон ССР корхоналари, жамоат ташкилотлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслари билан низолари, инвесторлар билан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўртасидаги улар фаолияти билан боғлиқ масалаларга доир низолар Ўзбекистон ССР судларида, шунингдек томонларнинг келишувига мувофиқ — ҳолислар текшириши тартибида, шу жумладан чет элда, қараб чиқилиши лозим.

41-модда. **Халқаро шартномалар**

Башарти, Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномаларида ушбу Қонундагига қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри. 1991 йил 14 июнь.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни у амалга киритилганидан кейин вужудга келган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланади.

Қонун амалга киритилишидан олдин вужудга келган ҳуқуқий муносабатлар бўйича «Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни у амалга киритилганидан кейин вужудга келадиган ҳуқуқ ва бурчларга нисбатан қўлланилади.

3. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

«Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуннинг амалга оширилишини таъминлайдиган қарорлар қабул қилсин;

шу йилнинг 1 октябрига қадар Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига Ўзбекистон ССРнинг қонун ҳужжатларини «Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқлаштириш ҳақида таклифлар киритсин;

«Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунга зид бўлган Ҳукумат ва тармоқ норматив ҳужжатлари қайта кўриб чиқилишини ва бекор қилинишини таъминласин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

СССР Вазирлар Маҳкамасининг Иттифоқ ҳукуматининг бошлиғи В. С. Павлов раислигида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида кўриб чиқилган муаммоларни ҳақли равишда биринчи даражали масалалар қаторига киритиш мумкин.

Ёқилғи-энергетика комплексимиз халқ хўжалигининг, мамлакат ҳаётини таъминлашнинг негизидир. Бу комплексга қарашли тармоқлар ҳозир бизда жуда етишмай турган валюта берадиган тармоқлардир.

Бироқ комплекснинг ўзи мураккаб молиявий аҳволга тушиб қолди. Масалан, бундай рақамлар келтирилди: нефтчилар учун етишмаётган маблағ 15 миллиард сўмни, газчилар учун етишмаётган маблағ 8 миллиард сўмни ташкил этади. Кўмир қазиб чиқариш камайганига қарамай энергетика тармоқларини пул билан таъминлаш масалаларини пайсалга солмай, нима қилиб бўлса ҳам ҳал этмоқ керак.

СССР Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати бу йил нефтчилар, газчилар, геологлар, қурувчилар, комплексга хизмат қилувчи корхоналарнинг узлуксиз ишлашини таъминлайдиган ечимлар мажмуини маъқуллади. Хусусан корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг банкдан олган ссудаларига доир қарзларини кечиб юбориш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида комплекснинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча бошқа чоралар кўзда тутилган.

ССР Иттифоқи ва республикалар Ўрмон қонуни асослари лойиҳаси кўриб чиқилди. Сайёрамиз яшил қопламаларининг жаҳоншумул экологик аҳамиятининг тан олиниши унга асос қилиб олинган.

Хўжалик юритишнинг янги шартлари мамлакатда уйжой муаммосини ҳал қилишга ёндашувларни ҳам анча ўзгартирмоқда. Вазирлар Маҳкамаси шу масалалар мажмуини ҳал этишга доир аниқ тадбирларга яна бир неча бор қайтишига тўғри келадиганга ўхшайди. Ҳозир эса Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида эътибори уйжой қурилишининг моддий-техникавий базасини ривожлантиришни жадаллаштириш зарурлигига қаратилди. Бу базанинг сурункасига орқада қолаётганлиги кескин тус олган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда.

Ватанни ҳимоя қилиш чоғида ҳалок бўлган совет кишилари хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳам кўриб чиқилди. Шу масала билан боғлиқ аниқ тадбирларни амалга ошириш учун ишлаётган тузилмалар барпо этилади.

Б. ГРИШЧЕНКО,
ТАСС шарҳловчиси.

• *Тилшунос мулоҳазалари ва таклифлари*

АТАМАЛАРДА АДАШМАЙЛИК

Термин, терминология сўзларининг атама, атамашунослик сўзлари билан алмаштирилганлиги ҳаммамизга маълум. Лекин булар термин ва терминология сўзларининг маъносини аниқ, тўғри ифодалай олмайди. Терминологиямизда кейинги вақтда юз бераётган чалкашликлар, хатоларнинг юзага келиши ва уларни бартараф этишдаги қийинчиликлар маълум даражада ана шу ишнинг, яъни термин, терминология сўзларининг маъносини аниқ тасаввур этмай, маънosига етарли эътибор бермай, уларни атама, атамашунослик сўзларига алмаштиришнинг оқибатидир.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишини қайд этган Қонун, унинг моддаларида берилган қонун-қоидалар бу тилнинг ҳар тарафлама ривожланиши, фаолиятимизнинг барча соҳаларида хизмат қиладиган, қўлланадиган тилга айланиши учун йўл очадиган, шуни таъминлашга асос бўладиган, асос бўлишгина эмас, балки ўзбек тилини шундай мавқега, даражага кўтаришни таъминлашни талаб этадиган ҳужжат бўлди.

Қонун қабул қилинганидан буён ўтган вақт ичида унинг кўпгина моддаларидаги қонун-қоидалари юзасидан маълум ишлар бажарилди ва ижобий натижалар қўлга киритилди.

Терминологиямиздаги, умуман, луғатимиздаги русча (рус тили орқали ўтган) сўзларни ўзбекча сўзлар билан алмаштириш борасидаги эришилган ютуқларни яхлитлаб айтадиган бўлсак, икки нарсани алоҳида қайд этиш керак бўлади: 1. Бирор нарса-ҳодисани ўзбек тилининг ўз сўзлари билан аташ имконияти бор-йўқлиги ҳақида бош қотирмай, бу нарса-ҳодисани атовчи русча сўзни қабул қилаверишга чек қўйилди; 2. Ўзбек тилининг имкониятларига эътибор бермай, ундан фойдаланилмай рус тилидан қабул қилинаверган сўзлар ўзбек тилининг ўзидаги, нарса-ҳодисани русча сўз даражасида, ҳатто ундан аниқроқ, тушунарлироқ ифодалайдиган сўзлар билан алмаштирилди ва бу жараён давом этмоқда.

Лекин бу борадаги ишларимиз фақат ижобий натижалар билан якунланаётгани йўқ. Қонунни амалга ошириш учун бўлаётган ҳаракатларимиз акс натижалар ҳам беряпти. Бунинг энг асосий сабаби, кўп ҳолларда ишларимизнинг илмий-амалий асосга эга эмаслиги, тўғри ва аниқ йўлланмалар билан баҳамжиҳат, бамаслаҳат олиб борилмаётганлиги, аксинча бу ишда бошбошдоқликнинг, ўзбошимчаликнинг кучлилигидир. Буни далиллар билан асослашга ҳаракат қиламиз.

Масалан, русча ёки рус тили орқали ўзлашган сўзларни ўзбекча сўз ёки ўзбек тилида аввалдан бор бўлган арабча, форсча сўзлар билан алмаштириш кузатилса шу нарса маълум бўладики, бу иш ҳар бир газета ёки журнал ходимларининг, бу ходимлардан бири ёки баъзиларининг истак-хоҳиши билан бўляпти. Худди шу туфайли бир газетада район сўзининг ўзи қўлланса, бошқасида ноҳия, яна бирида туман сўзи қўлланяпти. Қуйидаги бир факт ҳам фикримизни тасдиқловчи ўринли мисол бўла олади. Рўзномаларимизнинг 1990 йил 29 декабрь сонларида айни бир мурожаатноманинг матни эълон қилинди. Кўриниб турибдики, мурожаатнома русчадан таржима этилган, бинобарин, таржима матни битта бўлган. Лекин газеталаримиздаги мурожаатнома матнида маълум ўзгачаликлар бор. Масалан, биттасидаги мурожаатномада фақат **совет** сўзи қўлланган бўлса, иккинчисида бу сўз ўрнида фақат **шўро** сўзи қўлланган.

Ҳар бир тилнинг луғати (луғат таркиби), биринчи навбатда, шу тилнинг ўз (ички) имкониятлари асосида ривожланиши, бундай имконият бўлмаган тақдирда ўзга тилдан сўз ўзлаштириш ҳисобига бойиб бориши исботланган, мутахассислар томонидан тан олинган. Лекин ана шу ташқи имконият билан ички имкониятни тўғри фарқламаслик, тўғри англамаслик ҳам Қонунни амалга ошириш борасида олиб бораётган ишларимизда ўз салбий натижаларини кўрсатяпти. Масалан, ўзбек тили луғат таркибини ривожлантиришда ички имкониятдан фойдаланиш, аниқроғи, бундаги «ички имконият» деганда нимани тушуниш ва унга амал қилиш ҳолатини олиб кўрайлик.

Ўзбекчалаштиришда амал қилинадиган йўл, принцип ҳақида айтилаётган фикр-мулоҳазаларга эътибор берилса шу нарса кузатиладики, айримлар буни русча сўзни ўз тилидаги ўзбекча сўз билан ёки ўзбекча сўз ва қўшимча ёрдамида янги сўз ясаб алмаштириш деб тушунадилар. Шу сабабли янги нарсаларни аташда ўзбекча сўзларни қўлланиш, бундай сўз йўқ бўлса, янги сўз ясаш, бунинг ҳам имкони бўлмаса, арабча ва форс-тожикча сўзлардан фойдаланиш ҳақида гапирилади. Демак, арабча, форс-тожикча сўзлар ўзбек тилининг ўз имконияти, ўз ресурси деб қаралмайди. Худди шу туфайли айрим ўртоқлар ўзбекчалаштириш жараёнида русча сўзларни арабча, форс-тожикча сўзлар билан алмаштиришга қарши чиқадилар. Шу туфайли ҳатто ўзбек тилида ҳозир бор ва қўлланаётган асли арабча, форс-тожикча сўзларни ўзбекча сўз билан алмаштириш ҳақида ҳам фикрлар билдириляпти ва қайси арабча ёки форс-тожикча сўзни қандай ўзбекчалаштириш ҳақида тавсиялар бериляпти.

Филология фанлари доктори Миразиз Миртожиевнинг «Ёш ленинчи» газетаси 1991 йил 12 январь сонида босилган «Тил софлиги қандай белгиланади?» мақоласи ана шундай қарашнинг ёрқин намунасидир. Мақолада жумладан қуйидаги гаплар бор: «Атамаларни соф ўзбекча қилиш ҳақида гап кетганда ўзбек тили қашшоқ ва рангсиз бўлиб қолади, деб қўрқадилар. Ахир тилдан чиқарилганлари ўрнига янги сўзлар ясаб қўйиляпти. Шу билан бирга ўзбек тили — ниҳоятда бой. сербўёқли тил. У бунинг учун бошқа тилларга муҳтож эмас...». Биринчидан, бошқа тилдан олинган атамаларни ўзбек тилидаги сўз билан алмаштириш мақсадга мувофиқ тарзда бўлса, бундан ҳеч ким қўрқмайди. Бироқ атамаларни бутунлай соф ўзбекча қилиш хомхаёлдан бошқа нарса эмас.

Чунки ўзбек тилининг ана шундай бой, сербўёқли тил бўлишида бошқа тилларнинг ўзига хос роль ўйнаганлиги ва бундан буён ҳам шундай бўлиши инкор этиб бўлмайдиган факт. **Ҳарф** ўрнида **товушлик, секция** ўрнида **уймоқ, мустақил** ўрнида **ўз бошим, деҳқон** ўрнида **экинчи** сўзининг қўлланилиши ва уларнинг кейинги тақдири бунга далилдир. Бундай ҳаракатлар 20-йилларда ҳам кучли бўлгани маълум. Лекин ўзбекчалаштириш мақсадида ҳосил қилинган ва қўлланган жуда кўп сўзларнинг талабга жавоб бермай ва кўпга бормай истеъмолдан чиқиб кетганлиги ҳам бор факт.

Мулоҳазаларимни таклиф ва тавсиялар билан якунламоқчиман. Ўзбекчалаштириш борасидаги ишларимиз тил ҳақидаги Қонунимиз талабларининг рўёбга чиқиши учун хизмат қилиши керак. Бошқача айтганда, бу борадаги ишларимиз натижалари тилимизнинг оммага тушунарли, халққа яқин бўлишини таъминлаши зарур. Бунинг учун эса ҳар қандай алмаштиришнинг илмий ва амалий асосли бўлишига эришмоғимиз лозим.

— русча сўз билан алмаштирилиши мўлжалланган сўзнинг маъно имконияти (имкониятлари)ни, ҳозирда русча сўз билдириб келаётган маънони аниқ, тўла ифодалай олишини белгилаб (шу ҳақда аниқ хулосага келиб), сўнгра уни истеъмолга, русча сўз ўрнида қўлланишга тавсия этиш керак;

— илгари ўзбек тилида кенг қўлланган, ҳамма учун тушунарли бўлган сўз кейинчалик асоссиз равишда русча сўз билан алмаштирилган бўлса, бундай сўзлар қайта тикланиши, уларни ўз вазифасига қўйиш лозим. Шу жиҳатдан **фонз, инқилоб, знёли, бекат, рисола, матн** каби сўзларнинг қайта истеъмолга киритилиши жуда ўринлидир;

— у ёки бу тушунчани ўз тилида бор бўлган сўз ёки янги сўз ҳосил қилиш билан ифодалаш имкони бўлгани ҳолда уни ифодалаш учун русча сўз қўлланаверган бўлса, бу сўзлар ҳам ўзбекчаси билан алмаштирилиши керак. Масалан, **союз, совет, фактор, процесс, состав** сўзларининг ўрнида **уюшма, кенгаш, омил, жараён, таркиб** сўзларини қўлланишга ҳеч қандай эътироз бўлиши мумкин эмас;

—ўзбек тилининг ўз сўзига айланиб кетган, ҳамма учун тушунарли, тушунчани аниқ ва тўғри ифодалайдиган асли арабча, форс-тожикча бўлган сўзларни ўзбекча сўз билан алмаштиришга уриниш беҳуда ҳаракатдир. Бу ҳеч қандай ижобий натижа бермайди;

— рус тилидан ўтган, ҳамма учун тушунарли сўзларни шу сўзларга хос маънони аниқ, тўғри ва тўла ифодалай олмайдиган сўзлар билан алмаштириш ҳам фақат зарарли оқибатларга олиб келади. Шундай экан, бу ўзбек тили учун зарур бўлган русча сўзларни шу тилдан қувғин қилишдан бошқа нарса эмас. **Обуначи, журнал** сўзларини **муштарий, мажалла** сўзлари билан алмаштириш бунга мисолдир.

Энди пайдо бўлган нарсаларни аташ, уларга термин танлашда ўз тил ёки ўзга тилга оид сўзни қўлланиш масаласи бошдаёқ бамаслаҳат қатъий ҳал этилиши керак. Бу нарсани ифодалай оладиган сўз ўз тилидан топилса ёки янги сўз яратиш (ясаш) имкони бўлса, ана шу сўз қўлланиши, акс ҳолда шу тушунчанинг ифодачиси бўлган ўзга тилга оид сўз қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекчалаштириш жараёнини доимий кузатиб, тартибга солиб, йўл-йўриқлар бериб турадиган (номи қандай бўлишидан қатъи назар) илмий-ижодий гуруҳ бўлиши шарт.

Азим ҲОЖИЕВ,
Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси, Тилшунослик институтининг директори.

Пайариқ районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигининг Уктам Шарипов етакчилигидаги бригадаси аъзолари ҳар гектар майдондан 35 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган. Айниқса Анор Абдуғаниева оилавий звеноси ҳосилдорликни оширишга ҳаракат қилаётир. Улар 2,5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўтган йили 40 центнердан ҳосил олишганди. Бу йилги мўлжал ҳам — 40 центнер.
Суратда: оилавий звено бошлиғи Анор Абдуғаниева.
К. ТУРСУНОВ олган сурат.

«Совет Ўзбекистони» ижрони текширади

НИЯТ ЯХШИ - Ю, ИШЛАР СУСТ

Бундан икки йил муқаддам Қува шаҳрида Фарғона водийсида ягона бўлган йирик қандолатчилик фабрикаси қурилиши бошланган эди. Бу фабрика на фақат Қува шаҳри, балки Фарғона вилояти учун ҳам катта аҳамиятга эга корхона бўлди. Зеро, йилига 12,5 минг тонна қандолат маҳсулотлари, турли ширинликлар ишлаб чиқаришни мўлжаллаган фабрика 1200 дан ортиқ одамни иш билан таъминлайди. Бундан ташқари водий вилоятлари ширинликларни четдан ташиб келтиришдан ҳам қутилади.

— Бўлажак фабрикада асосан халқимизнинг новвот, пашмак, ҳолва каби миллий ширинликлари, шунингдек, кўплаб турдаги бошқа хил ширин-шакар карамель маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Германиядаги «Отто хензал» фирмаси билан тузилган шартномага мувофиқ, жаҳон стандартлари даражасидаги карамеллар тайёрлайдиган технологик жиҳозлар келтирилди. Карамель ва ширинликларни ўраш учун зар қоғозлар тайёрлайдиган босмахона қурилишига ҳам киришилади. Кадрлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади.

Ҳа, ниятлар жуда яхши. Аммо Қува шаҳри марказидаги кўм-кўк боғлар ўртасида барпо этилаётган фабрика қурилишини айланганингизда иш суръатидан кўнгил тўлмайди. Қурилишнинг суст кетаётганлиги кўриниб турибди. Пудратчи ташкилотлар ишни орқага суришяпти. Фондлар етишмаслиги оқибатида қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб берилмаяпти. Фабрика қурилишини район матлубот жамиятлари иттифоқига қарашли кўчма механизациялашган колонна қурувчилари олиб бормоқда. Улар астойдил жон куйдириб ишлашмоқда. Аммо материал бўлмагач, кўп вақт беҳуда кетаяпти.

— Фабрика қурилишининг умумий қиймати 17 миллион сўм туради. Ҳозиргача атиги 8 миллион сўмликдан ортиқроқ маблағ ўзлаштирилди, — норози оҳангда сўзлайди фабрика қурилиши дирекцияси бошлиғи А. Иминов. — Ишларнинг аҳволини кўриб турибсиз. Бу йил план бўйича 4 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши лозим эди. Мана, йилнинг ярми ўтиб кетди, Афсуски, шу вақт давомида 600 минг сўмлик иш бажарилди, холос. Бу турищда фабриканинг белгиланган муддатда ишга туширилиши мушкул...

Хўш, бу корхона қурилишини жадаллаштириш учун нима қилиш керак? Қурилишдаги сусткашликнинг асосий сабабларидан бири бош пудратчининг қўли қисқалик қилиб қолаётганидадир. Албатта, район миқёсидаги ташкилотнинг жумҳурият ва вилоят идораларидан зарур материалларни ўз вақтида ундириб олиши қийин. Бироқ, мутахассислар мавжуд аҳволдан чиқишнинг ягона йўли қандолатчилик фабрикаси қурилишига жумҳурият Монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлиги, «Ўзбекбирлашув» ва бошқа идораларнинг маблағ ҳамда кучларини жалб этиш лозим, деган фикрини ҳам таъкидлашмоқда.

Бизнингча, бу — яхши мулоҳаза. Яхши ният билан бошланган қутлуғ иш ярим йўлда тўхтаб қолмаслиги керак. Бунинг учун эса юқорида тилга олинган ташкилотларнинг ҳиммати жуда зарур. Ахир, ҳа деган туяга мадор, дейдилар-ку!

А. ИБОДИНОВ
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

1991 ЙИЛ АЛИШЕР НАВОИЙ ЙИЛИ

ХОРАЗМ КУЙЛАМОҚДА

Чундуо қилди, деди Фарзона,
Ки дей ўз кўрганимдан афсона,
Мен ки тушмуш бунёд гулзор манга,
Мулки Хоразм берур диёр манга.

«Сабъаи Сайёр» достонидаги ушбу сатрларни ўқиган китобхон Алишер Навоийнинг муборак пойқадами Хоразмга ҳам ўтди, деган фикрга келиши мумкин. Тарихдан аёнким, улуғ бобомиз бу юртни кўп куйлаган, асарларида эҳтиром билан таърифлаган эрсада, Хоразм тупроғига қадам ранжида қилиш унга насиб этмаган. Айни чоғда Навоийнинг хоразмлик санъаткору меъморларга ҳурмати ва эъзозини тасдиқловчи ҳаётий воқеалар кўпчиликка маълум.

Хоразмга Навоийнинг қадами етмаган бўлса-да, мана беш асрдан ортиқ вақтки, унинг буюк қалами дилларни ром этиб келяпти. Шу боисдан ҳам воҳада улуғ шоир кунлари ўзгача шукуҳ ва жозиба билан нишонланяпти.

Огаҳий номидаги вилоят мусиқавий комедия театрида ўтказилган кеча худди шундай тадбирлардан бири бўлди. Унда сўзга чиққанлар Навоийнинг буюк ижодий мероси, унинг жаҳон шеърияти ҳазинасига қўшган ҳиссаси, маданиятимиздаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида гапирдилар.

Навоий кунлари вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида давом этяпти, турли тадбирлар ўтказиляпти, боғроғлар очиляпти, музейлар ташкил этиляпти.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ушбу суратдаги ўз меҳнатидан мамнун икки деҳқон Бўка районидаги «Кўкорол» давлат хўжалигида меҳнат қилишади. Уларнинг бири маккажўхорикорлик бригадаси бошлиғи Роҳатқул Мамадалиев, иккинчиси шу бригада сувчиси Абдунаби Ҳақбердиевдир. Бу бригада аъзоларлари 40 гектар майдонга маккажўхори экиб, мўл ҳосил кўтаришга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг нияти — ҳар гектар майдондан 30 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил олиш.
У. ҚЎШВОҚОВ олган сурат.

ТАБИИЙ ГАЗ КЕЛДИ

● Қўшкўпир районидаги Қурбонов номли жамоа хўжалиги хусусий уйларида яшовчи ўнлаб оила табиий газ олди. Бу ерда саккиз километрлик газ қувури ётқизиб бўлинди. Еқилғи «Ўрта Осиё—Марказ» магистрал газ қувуридан келмоқда.

Жамоа хўжалиги қишлоқларида дастлабки саноат корхонасидан самарали фойдаланиш туфайли маҳаллий уй бекаларининг орзусини амалга оширишга муваффақ бўлинди.

Жамоа хўжалиги қишлоқларида дастлабки саноат корхоналари, вилоят завод ва фабрикаларнинг бўлимлари пайдо бўлди. Янги турар жойлар, болалар боғчалари, мактаб, спорт мажмуи ва бошқа маданий-маиший иншоотлар қурилмоқда. Бу йил жамоа хўжалиги бошқаруви ижтимоий-маданий-маиший соҳани ривожлантиришга 200 минг сўмдан кўп маблағ ажратди.

(ЎзТАГ).

• *Адолат посбонлари*

САДОҚАТ МАДҲИ

ЖУМҲУРИЯТ прокурори хонасида навбатдаги йиғин кетарди. Мажлис сўнггида Совет прокуратураси ташкил топганининг 70 йиллик санаси яқинлашиб қолганлиги ҳақида ҳам гап бўлди.

— Яхшими, ёмонми, барибир тарихдан кўз юмиб бўлмайди, — деди прокурор Бўритош Мустафоев. — Ўтган 70 йил совет халқи, унинг таркибий қисми сифатида Ўзбекистон аҳли тақдирига ўз муҳрини босган. Бу давр ичида халқимиз нималарни бошидан кечирмади дейсиз?! Қирғин-барот жанглар, очарчилик, ғалаба ва чекиниш, вайронагарчилик, уруш ва кўз ёшлар, қатағон ва сургунлар, мадҳлару қадаҳлар, мукофотлар, қишу-баҳорлар, Наврўз... Ана шуларни прокурорлар ҳам халқ билан баҳам кўрди. Чунки улар ҳам халқ орасида яшайдилар. Дардларига шерик бўлиб, бирга йиғлаб, бирга кулдилар. Бошига иш тушганда етиб борди. Келганида кутиб олди, арзини тинглади. Малҳам ахтарди. Ана шу ишларда ўз ўрни бўлган кишиларимиз ҳақида хотирламасак бўлмас...

Эшитиб ўтирибману, хаёлимга «лоп» этиб узоқ йиллар прокурорлик қилган Умарқул ака Усмонов келди. Қаламкаш бирор одам ҳақида мақола ёки очерк ёзмоқчи бўлса, у албатта қаҳрамони билан учрашиб хотираларини тинглайди. Йўқ, мен бундай қилмадим. У одам билан бирга ишлаган даврдаги кузатишларим, орқаворотдан эшитганларимни жамлаб қоғозга туширдим. Фақат айрим саналар учунгина ҳужжатларни варақлаб чиқдим халос.

...Виқорли миноралари, кўк гумбазларию салобатли мадрасалари, шовқин-суронли шарқона бозори, турли-туман кийинган беғаму-серташвиш одамлар тўла кўчаларида ҳаёт қайнаётган Самарқандда инқилобгача арава ҳайдаб, нонини нонга улаб кун кечирган бечораҳол Усмон инқилобни не-не орзу мақсадлар билан кутиб олмаганди. Замон таёғи эту-суякка бориб етган инсон «бечоранинг ҳам елкасига офтоб, кўксига шамол тегар экан» деган ишонч билан қамчисини қиличга алмаштирди. Инқилоб чавандозлари сафини тўлдириб, ўзи қаторларидан кўнгиллилар отряди тузди. Уларга бош бўлиб ўт-оловга ўзини урди... Сўнгра уйланди. Ўқиб саводини чиқарди. 1925 йил кўкламида туғилган фарзандига Умарқул деб исм қўйди...

БУ ХОНАДОННИ ҳам замона «шамоли» четлаб ўтмади. Колхозлаштириш даври бошланди. Юқори Даргом (ҳозирги Самарқанд) районидаги Хўжа Аҳрор қишлоқ шўроси ҳудудида янги ташкил топган колхоз аъзолари собиқ жанговар командир Усмон Салиевни ўзларига раис этиб сайладилар. Ҳали душманлар, нодонлар, ўз йўлини топиб олмаганлар, алмазадалар кўп. Бир-икки оғиз туҳмат қоғозга туширилиб «юмалоқлаб» отилса бўлгани, юзинг-райинг деб ўтиришмайди. Раисга ҳам бу тошлар тегди. Оғир кечинмалар, талашиб-тортишишлардан сўнггина адолат тантана қилди. Уни оқлашди. Изидан даҳшатли уруш бошланди. Оғир талофатли жангларда ярадор бўлиб уйга қайтди. Меҳнат фронтига ўзини урди. Умри сўнгигача эл фаровонлиги учун тер тўкди. Халқ ўз фидойиларини унутмайди, деганлари рост экан. Усмон Саталиев хотираси адабиётларга киритилиб, кўча, мактаб ва хўжаликларга унинг номи қўйилди. Тарих музейидан ўрин олди.

Ана шундай ота тарбиясини олган Умарқул падари номига доғ туширмаслик учун интилди ва бекамукўст уни оқлади. 1941 йилда ўрта мактаб таҳсилини тугатгач, Самарқанд ўқитувчилар тайёрлаш институтига кирди. Аммо уни тугата олмади. Армия сафига чақирилди. Бир йилдан ортиқ қўлда қурол билан Ватан ҳимоячилари сафида бўлди. Оғир бетоблик оқибатида уйига қайтди. Отага отилган тошлар, адолатсиз фашизм босқини унинг кўнглига ҳаёт йўлини таплашга туртки бўлди. 1944 йилда Тошкент ҳуқуқшунослик институтига ўқишга кирди ва уни муваффақиятли битирди.

Умарқул аканинг меҳнат фаолияти баракали бўлганини унинг шахсий ҳужжатларидан ҳам билса бўлади.

У 1949 йилда меҳнат фаолиятини Урганч шаҳар прокурори ёрдамчилигидан бошлаганди. Кейинчалик Қашқадарё вилоят прокурорининг ёрдамчиси, тергов бўлими бошлиғи бўлди. Самарқанд вилоят прокурорининг ўринбосари, биринчи ўринбосари, уч муддат яъни 15 йил Бухоро область прокурори этиб тайинланди. Кейинги икки муддат яъни 10 йил ҳам Сурхондарё область прокурори бўлиб ишлади. У ҳалол ва самарали ишлари учун 3-даражали адлия маслаҳатчиси ва генерал унвонига сазовор бўлди. Жумҳуриятда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвонига ҳам сазовор бўлган устоз ҳисобланади.

Булардан ташқари юзлаб ҳужжатлар Умарқул аканинг меҳнати муносиб тақдирланганлигига гувоҳлик бериб турибди. Улар ичида раҳматнома, пул мукофотидан тортиб қатор фахрий ёрлиқлар, медалларгача мавжуд...

Умарқул ака ҳақли равишда дам олишга чиқди. Кўришмаганимизга ҳам ҳийла вақт бўлди. Лекин бир воқеа ҳамон кўз олдимда: бир эл танийдиган одамга ҳужум бошланди. Мен вилоят прокурорининг тергов бўйича муовини эдим. Аралашувга тўғри келди. Ҳужжатлар айбни инкор этмасди. Далиллар ҳам қатор-қатор... Фикримни Усмоновга айтдим. У киши обдон эшитдилар. Ахборотни мамнунлик билан тугатганимдан сўнг, мақтов кутиб тургандим, у киши тўсатдан — «туҳмат... туҳматни ҳиди анқиб турибди», — деб қолдилар. Қайтадан шуғулланишга тўғри келди.

УМАРҚУЛ АКА ҳақ бўлиб чиқдилар. «Ана иш кўрган, ҳаётни билган, мулоҳазали раҳбар!» — деб тан олганман. Ўша одам ҳозир ҳам катта обрў билан ишлаб юрибди. Устознинг ақл чиғириғи адолат ғалабасига етаклади. Бир инсон ҳаёти сақланиб қолди. Мени эса бир умрлик виждон азобидан қутқазди. Бундай мисолларни мен ҳам, қолган юзлаб шогирдлар ҳам неча ўнлаб келтиришларига аминман...

Бир ходимимиз ичкиликка берила бошлади. Турли нохуш гаплар қулоққа чалинаверди. Биз бир гуруҳ раҳбарлар Умарқул акага — «шундан қутулайлик, ишдан бўшатиб юборинг!» деб — ҳоли-жонига қўймадик. У киши ўрниларидан туриб кетдилар.

— Хўш, қаёққа ҳайдаймиз? Ичкиликка боши билан шўнғитиб нобуд қилиш учунми? Кимгадир яна ташвиш орттириш учуммми? Ўзимиз бирор чора кўрдикми, ёки...».

Устоз бош бўлиб бир қанча вақт ишлаганимиздан сўнг, ҳалиги йигит «тузалиб» кетди. Ҳозир унинг номи халқ орасида эъзозли, Умарқул акани шарафлаб эслаб юради.

Умарқул ака ўтмиш тарихни жуда яхши билади. Санъатни севади. Халқ қўшиқлари, классик куйларни жон-дилидан тинглайди. Навоий, Фузулий, Машраб, Махтумқули ва бошқаларнинг адабий меросларидан ёд билади. Илиқ қарашларию, юмшоқ овозлари билан ҳамсуҳбатни ўзига ром қилади.

Бир гал, таваллуд кунларини муборакбод этиш учун хонадонларига ташриф буюрдик. Кечаси бўлган қаттиқ довулдан ҳовлилари ўртасидаги дарахтнинг шохи синиб йўлакни тўсиб қўйган экан. Йигитлардан бири «Умарқул ака, болта бўлса ҳозир шу шохни олиб ташлардим, ҳалақит беряпти» — деб қолди. Устоз дам дарахтга, дам бизга қараб бир зум ўйга чўмдилар. Сўнг индамасдан ичкарига кирдилар-да, дам ўтмай қўлларида уч-тўрт тахтача, бир ўрам дока ва арқон кўтариб чиқдилар. «Қани бошладик», деб имо қилдилар. Синган шохни биргалашиб тепага тортиб боғладик. Лат еган жойга авайлаб елим ва лой суркаб дока билан ўраб боғладик. Ора-сирасида бир-биримизга ҳайратомуз елка қисамиз. Устознинг бу иши бежиз эмаслигига кейин тушундик.

— Сиз-бизга ишониб топширилган инсонлар тақдирини дарахтга ўхшатаман, — деди Умарқул ака. — Инсон боласи ҳам турли таъсирлар, ҳаётининг ўйдим-чуқурлари қамровида қоқилиши, тойиши ва ҳатто синиши ҳам мумкин. Биз прокурорлар эса уни шартта олиб ташлашимиз, супуриб ёки оёқ ости қилиб қўйишимиз мумкин эмас. Мана шу дарахт шохидай танасига боғлаб, ўсиши ва яшаб кетишига ёрдам беришимиз керак.

Бу ҳаммамизга сабоқ эди. Бу — Умарқул аканинг ҳаёт қўшиғи эди. Бу устознинг адолатга садоқатини мадҳ этувчи фалсафаси эди...

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,
Ўзбекистон ССР прокуратураси бўлим бошлиғи, катта адлия маслаҳатчиси.

ДОН МЎЛ

Ховос районидаги Тимирязев номли давлат хўжалиги ғаллакорлари лалмикор ерлардаги 3464 гектарлик арпа ва буғдойни тезкорлик билан ўриб олмоқдалар. Ҳосилдорлик ҳам юқори. Ҳар гектар майдондан режадаги 6,5 центнер ўрнига 12—13 центнерга тўғри келяпти.

Сайидали Пирматов, Ўрол Тошбоев, Алиқул Эшонқуловлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик бундан ҳам юқори, яъни 15—16 центнерни ташкил этяпти.

Хўжаликда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Йиғиштириб олинган буғдойнинг бир қисми совхоз ишчиларига арзон нархда сотилаётир.

Т. ОСТОНАҚУЛОВ.

СПОРТ

СССР ХАЛҚЛАРИ X ЁЗГИ СПАРТАКИАДАСИДА

ОЛТИН МЕДАЛЛАР МУБОРАК!

Донецк шаҳрида оғир атлетика бўйича мусобақаларда жумҳуриятимиз полвонлари муваффақиятли қатнашдилар. Улар иккита олтин ва иккита бронза медалига сазовор бўлишди.

Ноил Муҳаммадёровни спорт мухлислари яхши билишади. У Сеул Олимпиядасида кумуш медалини қўлга киритди. Жаҳон биринчилигидаги баҳсларда ҳам кўпчиликни ҳайратга солди. Икки кураш бўйича иккинчи ўринни олиб, кумуш медал билан тақдирланган.

Спартакиадада эса у ажойиб ғалабага эришди. 100 килограммгача вазндаги полвонлар баҳсида 407,5 килограмм натижа кўрсатди.

Нукуслик паҳлавон Сергей Сирцов вазни 90 килограммгача штангачилар мусобақасида олтин медални олди. Бу йилги Европа қитъаси биринчилигининг чемпиони, жаҳон мусобақасининг кумуш совриндори икки курашда 400 килограмм натижа кўрсатди.

Балли, полвонлар!

● ОТ СПОРТИ. Мусобақа Минск яқинидаги Ратомка қишлоғида ўтказилди. Ўзбекистон чавандозлари 5-ўринни эгаллашди.

● БАДМИНТОН. Нижний Новгород шаҳри спартакиадасининг бу тури бўйича марказ бўлди. Жумҳуриятимиз вакиллари 6-ўринни олишди.

ФУТБОЛ

ОРАЛИҚ МАРРАДА

Биринчи лига вакиллари оралиқ марра мусобақасини якунлашмоқда. Ғолиб яна бир тур мусобақаларидан сўнг маълум бўлади. Иккинчи даврада эса кураш яна кескинлашиши кутилмоқда.

Биринчи давранинг ғолиби эса қайси жамоа бўлади? Бу саволга бир йўла уч жамоа — «Ростсельмаш», «Ротор» ва «Тилигул» жамоаларининг вакиллари жавоб беришмоқчи, шекилли. Учала команда ҳисобида 27 тадан очко бор.

Наманганнинг «Навбаҳор» командаси навбатдаги мусобақани ўз майдонида ўтказди. Мусобақа пешқадамларидан бири «Буковина» мезбонлар ҳужумига дош берди. Бешинчи минутдаёқ ҳисоб очилиши мумкин эди. Лекин майдон эгалари ўйинчиси Забиров 11 метрли жарима тўпини дарвозага йўналтира олмади. Меҳмонлар эса икки тўп киритиб, ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Учрашувнинг 55-минутида Забиров ягона жавоб тўпини киритди. «Навбаҳор» ҳозирча 8-ўринда бораётир.

Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари бир очколи бўлишди. Вакилларимиз Кишиневнинг «Зимбрул» жамоасини қабул қилиб, ўйинни 1:1 ҳисобида якунладилар. Кончилар 20 очко билан турнир жадвалида 12-поғонани эгаллаб туришибди.



ЎЛКАМИЗ НЕЪМАТЛАРИ

ТЎКИНЛИК ЯРАТАЁТГАНЛАР

Ўлкамизда айни пишиқчилик. Шаҳар ва қишлоқларнинг бозору дўконларида мева ва сабзавот сероб. Унинг нархи ҳам арзонлашиб қолди. Ана шундай паллада эл дастурхонига мўл ва сифатли маҳсулот етказиб бераётган деҳқонга ташаккур, қўли дард кўрмасин, дегинг келади.

Сирдарё вилоятининг Ворошилов районидаги Куйбишев номли жамоа хўжалигининг Ахрор Жабборов етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари ҳам ана шундай эл олқишига сазовор кишилардир. Зеро улар бу йил 40 гектар майдонга помидор экиб, уни турли табиий офатлардан омон сақлаб қолишди. Ниҳолларни меҳр билан парваришлашди.

Ниҳоят зарбдор меҳнат ўз самарасини кўрсатадиган пайт келди. Пишиқчилик бошланди. Миришкорлар мўл ҳосил етиштиришди. Энди уларнинг нияти — ҳар гектар майдондан режадаги 220 центнер ўрнига 350 центнердан хирмон кўтариш.

Шуниси диққатга сазоворки, йиғиштириб олинган маҳсулот бир жойда узоқ вақт қолиб кетмаяпти. Балки пешма-пеш эл дастурхонига жўнатиляпти. Шу боис одамлар янги узилган маҳсулотдан баҳраманд бўлишмоқда.

Суратларда: 1. Робия Усмонова ҳар куни 250-300 килограммдан помидор теряпти. 2. Пишиб етилган маҳсулот истеъмолчиларга жўнатилмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

• Қишлоғимиз кишилари

МАРТАБА—МЕҲНАТ ҚИЛГАННИКИ

Жарқўрғондаги бройлер паррандачилик фабрикаси маъмурияти йил бошида оддий ишчи Эшбўри Оқбоевни гўшт ишлаб чиқариш цехи мудирлигига тайинлашди. Унинг меҳнатда ўзини кўрсатгани бунга асос бўлди.

Эшбўрининг асли касби муаллимлик. Саккиз йил муқаддам фабрикага ишга кирди. Товуқбоқарлар уни «домулло» дейишар, «Бир оқбилак муаллим-да, озроқ ишлаб, ҳайр-маъзур қилса керак» — деб ўйлашарди.

Ризқи шу жамоада экан, ишлаб қолди. Техникани таъмирлаш билан шуғулланди. Жўжа боқди. Хуллас, унинг «домулло»лигини одамлар аста-секин унутиб юборишди. Фақат бир одати «чатоқ» экан: қайсарроқ, кўнглига келган гапни қайтармайди, жазм этган ишини қилмай қўймайди. Бу одати бировга ёқиб тушса, бировга...

Ўтган йили май ойида Эшбўри оилавий пудрат бўлиб парранда боқишга жазм қилди. Бошлиқ ҳузурига кирди. Шу тариқа фабрика билан шартнома тузиб, йигирма тўрт минг жўжани санаб олди.

Жўжани қузда санадилар. Саноқ қутилганидан ҳам аъло бўлди. Чиқим кам. Озуқа тежалган. Шундай қилиб, Эшбўрининг оиласи ўтган йилнинг иккинчи ярми мобайнида сўйилган вазнда 44 тонна парранда гўшти етиштирди. 181,6 минг сўм даромад қилди. Бир килограмм гўшт етиштиришга 3,8 килограмм озуқа сарфлади. Агар фабрика бўйича шундай натижага эришилганда эди, ўтган йили жамоада 86.800 сўмлик озуқа иқтисод қилинган бўларди.

Қунларнинг бирида унинг «катта» (фабрика директорини шундай деб атайди) билан суҳбати қовушди. Гап орасида Эшбўри «Мени ҳам бирон каттароқ мажлисга юборинг. Оилавий пудрат бўлиб ишлаганимни бир гапириб берай. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ишлайдиган бўлсак, тер тўкишдан қўрқмасдан, мана бундай (у муштини тугиб, бош бармоғини тик қилди) яшаймиз» — деди.

Ўша кунги суҳбатда директорнинг анчадан буён ўйлаб юрган режасини айтгандай бўлди. Кўп ўтмай, у Оқбоевни яъни оддий ишчини (директор чиндан ҳам унинг математика муаллими эканлигини билмас экан) ферма мудирлигига тавсия қилди. Тавсия бутун жамоага маъқул тушди.

Энди икки оғиз сўз корхона ҳақида. Бир қарасангиз фабрикада режаларнинг бажарилиши ёмон эмасдек. Чунончи, бултур йиллик режани ноябрь ойида бажариб, бу ютуқни ҳатто нишонлалар. Бироқ... фабрикадаги ишларнинг бир «лекини» бор. Бу ерда гўшт етиштириш лойиҳа қувватининг ярми даражасидан ошмаяпти. Лойиҳа бўйича фабрика йилига 2 миллион товуқни семиртириши керак. Сабаби — товуқ ўстириш фермасидаги ўн битта қўра (блок)нинг бор-йўғи иккитаси катак билан жиҳозланган. Катаксиз товуқхона — охурсиз молхонанинг ўзи. Сабаби — фабриканинг ишлай бошлаганига 8—9 йил бўлиб қолибдики, жўжа етиштириш ташвиши жамоанинг бошини қотиради. Бу ерда жўжа очириш цехининг борлиги яхши. Лекин тухум етиштиришга шароит йўқ. «Узэптицепром» бирлашмаси узоқдан туриб, тухумни фалон жойдан олинглар, дейди. Ўша айтган «фалон» жойлари, аввал ўзимизни обод қилайлик, дейди. Ана шундан сўнг фабриканинг одамлари «қайдасан Қозоғистон, қайдасан Россия» деб тухум излаб сафарга чиқишади. Бунақа сафарларда уловдан кўра тушов қимматга тушаётганини сўрайдиган одам йўқ.

— Бир жўжанинг таннархи икки сўмга тушяпти, — дейди фабриканинг бош иқтисодчиси Чори Ботиров. — Бирлашма ўзимизда тухум етиштиришга шароит яратиб берганда борми, бу рақам эллик тийиндан ошмаган бўларди.

Оқбоевнинг кайфияти эса ёмон эмас. Чунки, қўраларга катак ўрнатиляпти. Яқин ўртада қушхона — товуқ сўйиш цехи ишга тушадиган. Энди фабрика ўз кучи билан (бунга маблағлари бор) тухум етиштиришга шароит яратиб олса борми, ишлар беш бўлади. Фабрика лойиҳа қувватига чиқиб олади. Йиллик гўшт етиштириш ҳажми 730 тоннага кўпаяди. Чакки иш бўлмайди, ахир.

— Умум ишга бизнинг ишончимиз баланд, — деди Эшбўри. — Партиямизнинг апрель Пленумида ҳам умум ишига ишончни сақлаб қолиш керак, дейилган. Мен бўлсам, ишонч баланд дейман. Чунки, ишлайман деса бир оила бир йилда юз тонна гўшт етиштирса бўлади. Шу кичкинагина жамоамиз бир йилда минг тонналикка ўсиш бериши мумкин. Фақат одамлар, ишлаймиз, дейишса-да. Биз бўлсак ҳаёлимизни қуруқ шиорлар билан банд қилиб қўйдик. Камчиликка дуч келиб қолсак, ишга эмас, ариза кўтариб, идорама-идора чопишга ўргандик. Оқибат эса аён.

— «Партиямиз» деяпсиз. КПСС аъзосимисиз, — деб сўрайман ундан.

— Коммунист бўлмасам ҳам шу партияни ўзимники деб биламан. Партияга ўтиш ниятим ҳам йўқ эмас. Одам деган шундай пайтда кўрсатиши керак ўзини.

Тўғри, Эшбўри кўнглига келган гапни қайтармайдиган, жазм қилган ишни уддалайдиган йигит. Унга қараб, қани энди юрагида ўти борларнинг сафи кўпаяверса дегим келади.

О. УСАНОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАБИИЙСИГА НИМА ЕТСИН

• Ибн Сино мадади

Одам боласи дунёга келибдики саломатлиги ҳақида ўйлайди, муолажага эҳтиёж сезади. Алломаларимиз эса дунёдаги ноз-неъматнинг бари инсон учун деб башорат қилишади. Қанчадан-қанча ҳакиму табиблар тиббиёт илмининг асосчиси ибн Сино мададидан қувват олиб келмоқдалар. Замонавий тиббиёт фани кимё йўли билан ишлаб чиқарилган дори-дармонларни беморларга тавсия этишдан олдин одамлар кўпроқ гиёҳларга яъни қўлбола ҳапдорию малҳамларга муҳтожлик сезганлар.

Ҳаётини тўғри йўлга қўйган ҳар бир киши меҳнат, дам олиш ва овқатланиш маромига риоя қилади. Шу боисдан ҳам бундай одамларнинг саломатликлари нисбатан бақувват бўлади, ишларида барака кўринади. Назаримизда, ҳамиша тетик бўлишнинг халқ ўртасида кенг тарқалган ўзига хос йўл-йўриқлари муҳимдир. Чунончи, кунига 100 граммдан кўк пиёз еган киши зарур дармондорилари танасига ғамларкан. Шарқ халқлари кеч куз ва қиш ойларида туршак, баргак, ёнғоқ, майизлардан тановул қилиб, қувватни оширишга ҳаракат қиладилар. Баҳорги иликузилди кунлар бошланиши билан Наврўзи олам неъматларидан фойдаланадилар. Кўкатли чучвара, сомсалар кўпроқ пиширилади. Сумалак ва ҳалим тайёрлаб, дала ишлари бошланишига қадар ўзларини дармонга киритадилар.

Кўрониб турибдики, одамлар табиий инъомларни тасарруф этишга ҳаракат қилишган. Шунга қарамай, олимлар тахминан 50 йил аввал сульфиддин дорисини ўйлаб топишганда жаҳон миқёсида шов-шувга сабаб бўлганди. Минг дардга даво деб қанча-қанча ҳасталикларга шифо изланган. Вақт ўтиши билан бундай кимёвий дори ўрнини янгилари тўлдирди. Сульфиддин ишлаб чиқарилмай ҳам қўйилди. Сабаби аён. Ҳар қандай шифобахш дори касалликка қўзғотувчи микроорганизмларга қирғин келтириши билан бирга, бора-бора муҳитга мослашиб оларкан. Яъни дори ичилгани билан таъсир қилмайдиган бўлиб қолади.

Шунга ўхшаш норсульфазол, сульфедамизин, дисульфан каби сульфаниламид тоифасига кирувчи антибиотиклар ҳам дастлабки кездаги таъсир кучини йўқотиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Вақолонки, бундай турдаги дори-дармонларнинг 200 дан зиёд хили мавжуд. Шунинг учун ҳам Ибн Сино гиёҳлардан тайёрланган дориларни табиий деб билиб, улардан фойдаланиш ҳеч қандай асорат қолдирмаслигини таъкидлайди.

Албатта, замонавий дори-дармонлардан воз кечиш керак эканда, деган ҳаёлга бормаслик керак. Ҳамма нарсадан ўрнида, вақтида, тавсияга мувофиқ, маромида фойдаланиш керак. Зеро, доривор гўёҳлардан фойдаланиш Россия, Украина ва Болтиқбўйи жумҳуриятларида яхши йўлга қўйилганлигини эътироф этиш керак. Жумҳуриятимиз табиати доривор ўсимликларга жуда бой бўлишига қарамай, имкониятлардан етарлича фойдаланиляпти, деб бўлмайди.

Тошкент вилояти ҳудудларида жойлашган доривор ўсимликлар етиштирувчи хўжаликнинг имкониятлари бугунги талаб-эҳтиёжни қондиролмай турибди. Боиси, бор-йўғи 8-10 гектарли майдонда гиёҳлар ўстирилмоқда. Бу майдонни кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш зарур. Тошкентдаги 8- дорихона қошида очилган шифобахш гиёҳлардан тайёрланадиган турли ичимлик ва шарбатлар одамларга тавсия этилаётгани таҳсинга лойиқ. «Фитобар» деб аталувчи бундай масканлар қолган жойларда ҳам таркиб топмоқда. Бироқ Тошкентдек шаҳри азимда бундай гўшаларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Дори дармоннинг табиийсига нима етсин.

М. УСМОНОВ, доришунос.

БАХШИНИ ХОТИРЛАБ

Қодирбахши Раҳимов достон куйлаганда Деҳқонобод тоғ-у тошлари ларзага келгандай бўларди. Халқ ижодкори СССР ёзувчилар уюшмасига аъзо эди.

Қодирбахши Раҳимовнинг халқ оғзаки ижодидан намуналар бугунги кунда ҳам ихлосмандлар томонидан тилга олинмоқда. У ўзига хос таланти ва овози билан эл-юрт назарига тушган эди.

Қашқадарёлик ҳамюртлари унинг хотирасини унутишмайди. Яқинда шоир хотирасига бағишлаб вилоят бахшиларининг кўрик беллашуви ўтказилди. Ғолиблик деҳқонободлик Абдуқаҳҳор бахши Раҳимов, шаҳрисабзлик Зоирбахши Қўчқоров, чироқчилик Шомурод-бахши Тоғаевларга насиб этди.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1991 йил учун

МАҚСАДЛИ АСПИРАНТУРАГА

Қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА: мелиорация ва суғориладиган ерлардаги деҳқончилик; органик кимё, халқ хўжалиги ва унинг тармоқларида иқтисод, режалаштириш ва бошқаришни ташкил қилиш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш; ўқитиш услубиёти (тармоқ лар бўйича).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштириш; мелиорация ва суғориладиган ерлардаги деҳқончилик.

Аспирантурага олий билимгоҳни битиргандан кейин амалий иш тажрибасига эга бўлган ва илмий фаолиятга лаёқатини намоён қилган шахслар қабул қилинадилар. Бу ҳолда уларга сўнгги иш жойидан ойлик маоши ҳажмида стипендия тўланади. Шунингдек бевосита олий ўқув юртини битирган йилидаёқ аспирантурага кираётган ёш мутахассислар олий ўқув юрти илмий кенгашининг тавсияномаси мавжуд бўлган тақдирдагина танловда иштирок этишга қўйиладилар.

Аспирантурага кирувчилар бирга ишлаш эҳтимоли кўзда тутилаётган илмий раҳбар билан олдиндан албатта суҳбатдан ўтишлари шарт.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисидаги ариза олий билимгоҳ ректори номига ёзилади ва унга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: олий ўқув юртини битирганлиги тўғрисидаги дипломнинг нотариус тасдиқлаган нусхаси, синов қайдномасидан кўчирма, иш жойидан тавсифнома-тавсиянома, таржимаи ҳол, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (6×9 см. ўлчамли 1 дона ва 3×4 см. ўлчамли 2 дона фотосурат билан), эълон қилинган илмий ишлари, кашфиётлари рўйхати ва илмий-тадқиқот ишлари тўғрисидаги ҳисоблар. Эълон қилинган илмий ишлари бўлмаган шахслар танлаган соҳаси бўйича рефератлар (илмий маърузалар) ёзиб топширадилар; ихтисоси бўйича амалий меҳнат фаолияти тўғрисидаги ҳужжат (меҳнат дафтарчасидан иш жойида тасдиқланган кўчирма), ойлик маоши тўғрисида маълумотнома.

Аспирантурага кириш имтиҳонларини топширишга қўйилган шахсларга имтиҳонларга тайёргарлик кўриш ва уларни топшириш учун иш жойидан ойлик маоши сақланган ҳолда 30 календарь куни ҳажмида таътил берилади.

Аспирантурага кирувчилар 1991 йилнинг 20 ноябридан 20 декабригача фалсафа, чет тилларнинг биридан (инглиз, немис, француз) ва махсус фандан олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида танловли кириш имтиҳонларини топширадилар.

АРИЗАЛАР 1991 ЙИЛ 1 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Қори Ниёзов кўчаси, 39-уй, аспирантура бўлими.

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ МАЖМУИНИ БОШҚАРИШ ЖУМҲУРИЯТ ОЛИЙ МАКТАБИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН МЕНЕДЖЕРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ

Ўқитиш дастурига бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодиётни барқарорлаштириш концепциялари, мулкчилик ва ер ислоҳоти ҳамда мулкни тасарруф қилиш муаммолари, акционерлик жамиятини тузиш, тадбиркорлик, кооперативлар, кичик корхоналар, хусусий корхоналар ва кооперативлар ассоциацияларини тузиш, фермерлик хўжаликларини ташкил қилиш, маркетинг ва ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил қилиш, деҳқончилик-саноат комплекси тармоқларида келгусидаги илмий-техникавий ривожланиш, биржалар тўғрисидаги маърузалар ва амалий ишлар киритилган.

Бундан ташқари, бошқариш, ҳуқуқ ижтимоиёт ва психология асослари ва муаммоларини ўқитишга катта эътибор берилиб, у замонавий усулларда олиб борилади. Худди шундай, инглиз тили ва компьютерлардан фойдаланишни ўргатиш жадаллаштирилган усулда олиб борилади.

Курсга қабул қилинган ўқувчилар ўқиш давомида иттифоқимизнинг илғор ўқув марказларида стажировкада бўладилар, мамлакатимиздаги ва хориждан келган етакчи олимлар ҳамда бизнесменлар билан учрашадилар. Ўқув материалларини муваффақиятли ўзлаштирган ва ҳаётий тажриба орттирган ўқувчилар бозор иқтисодиёти шароитида мустақил ишлашлари ва корхоналарга катта фойда келтиришлари мумкин. Ўқиш учун эшитувчиларни танлаш вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаларида амалга оширилади. Ўқитиш Ўзбекистон давлат тилида ва ўқувчилар хоҳиши билан рус тилида олиб борилади.

Ўқишга олий маълумотли 35 ёшгача ва 3 йил иш тажрибасига эга бўлган ҳамда коллективда ўзининг яхши жиҳатлари билан ажралиб турган шахслар қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалиги ходимлари вилоят деҳқончилик-саноат уюшмалари жумҳурият ташкилотлари, бирлашмалари ва корхоналарнинг тавсиялари асосида қабул қилинадилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ— 10 ой. Навбатдаги давраларда ўқитиш 1991 йил 2 сентябрдан 1992 йил 30 июнгача давом этади.

Ўқитиш нархи 9,87 минг сўм бўлиб, ўқувчиларга ойига 150 сўмдан бериладиган стипендия, меҳмонхона типидаги ётоқ харажатлари ҳам шу ҳисобдандир.

КПСС МК ва СССР Вазирлар Кенгашининг 1988 йил 6 февралдаги 166-сонли қарорига мувофиқ ўқув даврида ўқувчиларнинг иш жойларидаги ўртача ойлик маошлари сақланиб қолади.

Чет эл валютаси олинган ҳолда, бўлғуси менеджерларнинг «Агробизнес» дастури бўйича ривожланган хорижий мамлакатларда стажировкада бўлишлари режалаштирилади.

Ўқишга келувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: кадрларни ҳисобга олиш варақаси ва фотосурат, диплом нусхаси, ўзи ишлаётган ташкилотдан йўлланма, тавсифнома, хизмат сафари тасдиқномаси.

Манзилимиз: 700144, Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 374-уй.

Телефонлар: 64-19-44, 64-12-93.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг

«ПАХТАЧИЛИК» ПАВИЛЬОНИДА

1991 йил 24 июлгача 1992 йил учун маданий-маиший ва спорт, атторлик моллари, қурилиш материаллари ва чиқиндиларининг

УЛГУРЖИ САВДОСИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИ

ЎТКАЗИЛАДИ

«СРЕДАЗТРАНСТРОЙ» ТРЕСТИГА

АШХОБОД ШАҲРИ (Аэровокзал комплексидаги 539-қурилиш монтаж поезди)ДА ВАХТА УСУЛИДА ИШЛАШ УЧУН

доимий ва вақтинчалик ишга

қуйидаги касблардаги ёлғиз ишчилар

ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ:

дурадгорлар, монтажчилар транспорт ишчилари, мозаикачилар, аллюминий бўйича монтажчилар.

Таъриф маошининг 75 фоизи ҳажмида кеча-кундузлик ҳаражати ва 1,4 район коэффиценти тўланади.

Вахтага ишга бориш йўл кираси тўланади.

Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 34-уй, 11-хонада жойлашган кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Телефон: 32-34-26.

●

«ГРАНИТ» ЎРТА ОСИЁ МОНТАЖ-ТЕХНОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИ СИЗНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИНГИЗНИ:

залнинг акустик жиҳозланиши;

нутқларнинг синхрон таржимаси;

овоз беришнинг электрон системасини талаб қилувчи йиғилишлар, кенгашлар, мажлислар ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун барча зарур замонавий электрон воситалар билан

ТЎЛИҚ ЖИҲОЗЛАБ БЕРАДИ

Лойиҳалаштиришдан бошлаб то бутунлай ишга туширишига тайёр қилиб топширишгача бўлган барча ишлар энг қисқа муддатларда бажариб берилади.

Манзилимиз: 700107, Тошкент шаҳри, Қирққиз кўчаси, 10-уй.

Телефонлар: 77-35-80, 77-72-52.

●

Паркент таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонасининг товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланган. 993866 дан 993910 гача рақамлардаги йўқолган

ФОЙДАЛАНИЛМАГАН ЧЕК ВАРАҚАЛАРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳи ректорати ва жамоат ташкилотлари муҳандислик-иқтисодиёт куллиёти декани, доцент О. Жалоловга отаси

Жалолхон ҲОЛМИРЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбек давлат академик драма театри жамоаси театр ходими В. А. Арискинга онаси

Мария Матвеевна АРИСКИНАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узсоветкурорт» аппарати ва Ўзбекистон медицина ходимлари касаба уюшмалари Марказий Комитети «Чинобод» санаториясининг бош шифокори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган шифокор

Раҳим Жўраевич ОТАБЕКОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси бошқаруви СССР Кинематографчилар уюшмасининг аъзолари кинорежиссёрлар Л. О. Файзиевга акаси, Х. О. Файзиевга акаси

Шариф Обидович ФАЙЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади,

Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот вазирлиги жумҳурият аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1932 йилдан КПСС аъзоси

Марьям ОЛЛОЕРОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги— 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими— 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-54-27; безатиш—32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5691. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди—20.00

№ 138.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12